

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАШАЙХОВ УМИДЖОН ХУСАНОВИЧ

**ТУРЛИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛИ ҚОН ТОМИРЛАРИ ТРОМБОЗЛАРИ
ПАТОГЕНЕЗИДА ФОЛАТ МЕТАБОЛИЗМИ ВА ГЕМОСТАЗНИНГ
ТРОМБОЦИТАР ХАЛҚА БУЗИЛИШЛАРИ ГЕН-
ДЕТЕРМИНАНТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мусашайхов Умиджон Хусанович

Турли локализацияли қон томирлари тромбозлари патогенезида фолат метаболизми ва гемостазнинг тромбоцитар халқа бузилишлари ген-детерминантларининг ролини ўрганиш..... 3

Мусашайхов Умиджон Хусанович

Изучение роли генов-детерминантов нарушений метаболизма фолатов и тромбоцитарного звена гемостаза в патогенезе сосудистых тромбозов различных локализаций..... 21

Musashaykhov Umidjon Khusanovich

Study of the role of genes-determinants of disorders of folate metabolism and platelet hemostasis in the pathogenesis of vascular thrombosis of various localizations..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАШАЙХОВ УМИДЖОН ХУСАНОВИЧ

**ТУРЛИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛИ ҚОН ТОМИРЛАРИ ТРОМБОЗЛАРИ
ПАТОГЕНЕЗИДА ФОЛАТ МЕТАБОЛИЗМИ ВА ГЕМОСТАЗНИНГ
ТРОМБОЦИТАР ХАЛҚА БУЗИЛИШЛАРИ ГЕН-
ДЕТЕРМИНАНТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1930 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Хамид Якубович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёрқин Узуевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сайфуллаева Саида Акрамжоновна

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тиббиётда тромбоземболик хасталикларни аниқлаш ва даволашда эришилган замонавий ютуқларга қарамадан бу муаммао ҳозирги кунгача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ ва бутун дунёда ишга лаёқатли аҳоли ўртасида ўлимга ва ногиронликга олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Хорижий муаллифларни маълумотларига қараганда, кенг қамровли изланишлар шуни кўрсатдики, кўп учрайдиган оёқлар чуқур веналари тромбозлари, ишемик инсульт ва миокард инфаркти каби касалликлар тромботик асоратларни энг оғир оқибатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бутун умри давомида ер қуррамининг хар унингчи одами тромбознинг шундай оқибатларини ўзини бошидан кечиради¹. Шу сабабли, тромбофилияларнинг турли патогенетик шаклларини бир-биридан ажратиш, уларни ўз вақтида, эрта аниқлаш тўғри терапевтик тактикалар ва олдини олиш тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда гемостаз тизимида бир қатор орттирилган ва генетик ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган кўплаб бузилишлар билан кечадиган тромбофилияни ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тромбофилияларнинг турли патогенетик шаклларини бир-биридан ажратиш, уларни ўз вақтида эрта аниқлаш, тўғри терапевтик тактикалар ва олдини олиш тадбирларни ишлаб чиқишни асослаш зарурияти юзага келмоқда. Турли тромбоземболик касалликларнинг ривожланиши ва такрорланиши патогенезида тромбофилиянинг иштирок этиши, уни ҳар томонлама ўрганиш ва тромбоз ҳосил бўлишига олиб келадиган сабабларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳмият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, жумладан, гиперкоагуляцион ҳолатга ирсий мойиллик билан боғлиқ тромбоземболик касалликларни олдини олишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишнинг долзарб илмий йўналишларидан бири турли локализацияли қон-томирлари тромбозларини эрта башорат қилиш ва олдини олиш орқали ногиронлик ва ўлим даражасини камайтиришга йўналтирилган фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади.

¹ Chiasakul T., De Jesus E., Tong J. et al. Inherited Thrombophilia and the Risk of Arterial Ischemic Stroke: A Systematic Review and Meta-Analysis // J Am Heart Assoc. - 2019. - 8(19). – P.1287 -1292.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда охириги қирқ йил давомида тромботик асоратларни тарқалиши кескин ошиб кетгани кузатилмоқда. Агар шундай ҳолат сақланиб қолса, у ҳолда 2030 йилларга келиб аҳолини 25,4% қисми кардиоваскуляр касалликлардан, асосан, миокард инфаркти ва мия қон айланишининг ўткир бузилишидан вафот этадилар (Chiasakul T., et al., 2019; Miao Gao, et al., 2020). Тромбофилияни тромбозларга алоқадорлиги маълумлигига қарамасдан олимлар ўртасида тромбофилияга ирсий мойиликни аниқлаш муҳимлиги, уни самарадорлиги, бундай мутацияларни ташувчиларда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш зарурияти борасида баҳслар давом этмоқда. Хорижий муаллифларнинг маълумотига қараганда, тромбозларни ривожланиши хавф-хатарларини аниқлаш мақсадида ирсий тромбофилияларни скринингини ўтказиш масаласи ҳозирги кунгача мунозарали бўлиб қолмоқда (Linnemann B., et al., 2019). Ҳозирга кунда юртимизда ва жаҳон адабиётида фолат даврининг бир қатор ген-тартибга солувчиларининг (MTHFR (A1298C, C677T), MTRR (A66G), MTR (A2756G)) ва гемостазнинг тромбоцитар халқа генларининг (ITGA2 (C807T) ва ITGB3 (T1565C)) қон томирлар тромбозлари келиб чиқишида муҳим ўрин тутиши ҳақида маълумотлар бор (К.Т.Бобоев ва х.м., 2019; А.Л.Мелкумян ва х.м., 2020; Huang Yu.K., et al. 2019). Бироқ, бу жаҳон маълумотлари аллель ва генотипларни тарқалишини этник гетерогенлиги ва популяцион хусусиятларидан келиб чиқиб, бир хил эмас, бир-бирига зид ва индивидуал. Ушбу муаммонинг жуда муҳим ижтимоий ва тиббий аҳамиятига қарамасдан, ҳозирги вақтда турли локализациялардаги қон-томир тромбози бўлган беморларда фолат даврининг бир қатор ген-тартибга солувчиларининг полиморф вариантларини ташувчанлик даражасини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар натижалари юртимизда ва хорижда ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, гемостазнинг тромбоцитар халқа генларининг (ITGA2 (C807T) ва ITGB3 (T1565C)) полиморф локусларининг гиперкоагуляцион синдроми шаклланиши ва қон-томир тромбозининг ривожланишида тарқалиш даражаси, роли ва аҳамияти, шунингдек, ушбу мутацияларнинг беморларда тромботик ҳолатлар ривожланиш хавфининг ўзига хос хусусиятларига таъсири ҳам охиригача ўрганилмаган (Ashraf N., et al.2019).

Ўзбекистонда бир қатор олимлар томонидан турли касалликларда аъзолар ва тизимлар функционал ҳолатида кузатиладиган патологик ўзгаришларга генетик полиморфизмларни таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Тромбофилиянинг молекуляр-генетик хусусиялари ўрганилган (Ш.Э.Садикова, Х.Я.Каримов, К.Т.Бобоев, 2009). Ишемик инсультда генетик тромбофилик маркерларни ахамияти баҳоланган (Б.Г.Гафуров, Ш.Р.Мубарақов, Х.Я.Каримов, 2015), ўзбек популяциясида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр генетик жихатлари ва касаллик кечишини башоратлашда уни ахамияти ўрганилган (С.Б.Азимова, 2018). Бирок, мамлакатимизда бугунги кунга қадар тромбоэмболик касалликларда турли генетик ўзаро таъсирларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Шундай қилиб, гемостазга патологик таъсир кўрсатадиган ва тромбоз ривожланишида уларнинг ролини баҳолайдиган баъзи генетик полиморфизмларнинг ташувчанлик даражасини батафсил ва ҳар томонлама ўрганиш кераклиги юзага келиб чиқади. Шу сабабли Ўзбекистонда турли локализацияли тромбозларнинг патогенезини ўрганишда комплекс клиник, молекуляр-генетик текширувларни ўтказиш тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-5СС053 «Тромб ҳосил бўлиши патогенезининг молекуляр-генетик, биокимёвий асослари ва даволаш-профилактика чораларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади турли локализацияли қон-томирлари тромбозларининг патогенезида фолат алмашинуви бузилиши ва гемостазнинг тромбоцитар ҳалқа ген-бошқарувчиларининг ролини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқлар чуқур вена томирлари тромбози (ОЧВТ), ишемик инсульт (ИИ) ва миокард инфаркти (МИ) каби турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари бўлган беморларда клиник-лаборатор текширувларни ўтказиш;

турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари бўлган беморларда қон-томирлари тромбозлари ва гиперкоагуляциясининг патогенезида фолат алмашинуви бузилишлари ген-бошқарувчилари полиморфизмларининг (MTHFR A1298C, C677T; MTRR A66G; MTR A2756G) ролини ўрганиш;

турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари бўлган беморларда гемостазнинг тромбоцитар ҳалқа бузилиши (ITGA2 C807T ва ITGB3 T1565C) ген-детерминантларининг полиморф вариантларининг тарқалиш даражасини ўрганиш ҳамда гиперкоагуляциясининг патогенезида ва қон-томир тромбози ривожланишида уларнинг ахамиятини баҳолаш;

қон-томир тромбозлари ва тромбоэмболик асоратлар ривожланиш хавфини башоратлаш мезонларини такомиллаштириш ва башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ОЧВТ (п=35), ИИ (п=35) ва МИ (п=37) бўлган 107 нафар бемор, назорат гуруҳига кирган тромбознинг клиник кўринишисиз ва анамнезда ўзида ва яқин қариндошларида юрак қон-томир касалликлари бўлмаган 103 нафар «шартли-соғлом» шахслар олинган.

Тадқиқот предметини фолат даври ген-бошқарувчилари полиморфизмари: MTHFR (A1298C, C677T), MTRR (A66G), MTR (A2756G) ва тромбоцитнинг интегрин рецептори – ITGA2 (C807T) ва ITGB3 (T1565C) генлари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ОЧВТ, ИИ ва МИ нинг мавжуд диагностик стандартлари, клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гиперкоагуляция синдром шаклланишида ва турли локализацияли қон-томирлари тромбозларининг ривожланишида (ОЧВТ, ИИ ва МИ) фолат даврининг бузилиши ген-бошқарувчилари полиморфизмлари (MTHFR A1298C, C677T; MTRR A66G; MTR A2756G) ва гемостазнинг тромбоцитар ҳалқа бузилиши (ITGA2 C807T и ITGB3 T1565C) генлари полиморф вариантларининг роли аниқланган;

ўрганилаётган генларнинг салбий алел ва генотиплари полиморф кўринишларини тарқалиш даражасини тромбоген асоратларни ривожланишига ирсий мойилликни шаклланиш қонунияти асосланган;

ОЧВТ ривожланишида MTR (A2756G) генининг A/G салбий гетерозигот генотипининг, ИИ ва МИ ривожланиши хавфи учун эса MTHFR (C677T) генетик маркернинг C/T салбий генотипи сезиларли ҳисса кўшиши аниқланган;

ОЧВТ, ИИ ва МИ бўлган беморларда ITGA2 гени C807T полиморфизмининг T/T функционал салбий генотипини ва ИИ, МИ мавжуд беморларда ITGB3 гени салбий гетерозигот генотипи Leu/Pro ни ташувчанлигини аниқланиши тромбоген асоратларни ривожланиш хавфи билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланган;

тромбоэмболик асоратларнинг ривожланиш хавфи ва такрорланишини башоратлаш такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари (ОЧВТ, ИИ ва МИ) ривожланиш хавфи ва такрорланиш хавф омиллари ҳамда клиник белгиларини эрта аниқлаш тромбоген асоратларнинг эрта олдини олиш имкониятини кенгайтирган;

бир вақтнинг ўзида қон ивиш тизимига протромботик таъсир кўрсатадиган фолат даври ва гемостазнинг тромбоцитар ҳалқа генларининг бир нечта генетик полиморфизмлари ташувчанлигини бўлиши тромбоген асоратларнинг ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширганлиги, беморларнинг генотипини бир эмас, балки гемостаз ҳолатига таъсир қилувчи бир нечта генотиплар бўйича ўрганиш билан амалга ошириш кераклиги асосланган;

салбий генотипларнинг протромботик таъсирини ҳисобга олган ҳолда турли локализацияли қон-томир тромбозларининг ривожланиш хавфини башоратлаш такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сони етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий

ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий биокимёвий, молекуляр-генетик ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида турли локализацияли қон-томир тромбозларининг патогенези соҳасидаги билимларни кенгайтириш, фолат даврининг бузилиши ва гемостазнинг тромбоцитар халқасини тартибга солувчи турли генларнинг прогностик жиҳатдан энг ноқулай полиморфизмларини аниқлаш ва уларнинг тромбоген асоратларни ривожланишидаги ролини баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти салбий генотипларнинг протромботик таъсирини ҳисобга олган ҳолда турли локализацияли қон-томир тромбозлари ривожланиши хавфини башорат қилиш учун ишлаб чиқилган алгоритм ОЧВТ, ИИ ва МИ каби оғир тромбоэмболик касалликларнинг ривожланишига ирсий мойилликни аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли локализацияли қон-томир тромбозларини ривожланиш хавф омилларини эрта башоратлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳолининг турли қатламлари орасида турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари ривожланиш хавфини эрта башоратлаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари ривожланиш хавфини башоратлаш услуги» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 8н-з/309-сон маълумотномаси). Натижада турли локализацияли қон-томирлари тромбозларини эрта башоратлаш имконини берган;

турли локализацияли қон-томирлари тромбозлари ривожланиш хавфини башоратлаш алгоритминини ишлаб-чиқиш асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 08-09/16969-сон маълумотномаси). Натижада, тромбоген асоратлар ривожланишига ирсий мойилликни аниқлаш ва олдини олиш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ва даволаш тартибини мослаштириш орқали ногиронлик ва ўлим хавфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предмети билдирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Гемостаз ва тромбознинг патогенетик асослари таҳлил қилинади, тромбофилия бўйича замонавий қарашлар ва унинг тромбоземболик касалликларнинг ривожланишидаги роли, тромбофилияда тромботик асоратлар ривожланишида ирсий хавф омилларининг аҳамияти кўриб чиқилади, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки ўрганиш талаб қилинадиган томонлари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифи келтирилган. Тадқиқот асосида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг терапевтик, неврологик ва жаррохлик ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг тегишли бўлимларида бўлган, Андижон вилоятида доимий яшаш жойига эга 107 нафар беморларнинг мажмуавий клиник-лаборатория ва молекуляр-генетик текширув натижалари таҳлили ётади. Улар ушбу тадқиқотга кўшилиш ва кўшилмаслик мезонларига мувофиқ танланган 3 та кичик гуруҳдан шакллантирилган асосий гуруҳдан ташкил топган: 1–35 нафар беморда ОЧВТ; 2–35 нафар беморда ИИ; 3–37 нафар беморда МИ мавжуд. Назорат гуруҳига текширув вақтида ва анамнезида тромбознинг клиник кўриниши бўлмаган, шунингдек, ўзида ва яқин қариндошларида юрак-қон томир касалликлари бўлмаган 103 нафар «шартли равишда соғлом» кўнгилли шахслар киритилди.


Тромбоз диагностикаси ҳозирги вақтда қабул қилинган клиник тавсияларга мувофиқ амалга оширилди. ОЧВТ бўлган беморларни кичик гуруҳга киритиш мезонлари ҳозирги вақтда ёки анамнезда тромбознинг клиник белгилари мавжудлиги ва инструментал тасдиқлангани (оёқ қон томирлари ультратовуш доплерографияси (УТДГ)) бўлди. Истисно мезонлари клиник белгиларсиз оёқ веналарининг варикоз кенгайиши, тромбознинг клиник аломатлари йўқлиги ва уни инструментал тасдиқланмагани бўлди.

ИИ бўлган беморларнинг кичик гуруҳига ишемик тур бўйича ўткир мия қон айланишининг бузилиши бўлган, ҳозирги вақтда ёки анамнезда клиник ва

инструментал тарзда тасдиқланган (МРТ текшируви натижаси ва тромбознинг ривожланиши уйқу артерияларнинг дуплекс сканирланиши билан тасдиқланиши) беморлар киритилган. Истисно мезонлари бўлиб геморрагик инсульт ҳисобланган. МИ билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳи учун ҳозирги вақтда ва анамнезда ЮИК, ўткир миокард инфаркти, ST сегментининг кўтарилиши билан бирга кечувчи клиник ва инструментал тарзда тасдиқланган (ЭКГ, ЭХО-КГ маълумотлари ва каронарографияда тромбозни тасдиқлаш) беморлар киритилган. Истисно мезонлари бўлиб туғма ва орттирилган юрак нуқсони, ДКМП, ГКМП, перикардит, миокардитлар ҳисобланган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча тадқиқотлар 18 ёшдан катта беморларда ва беморнинг тадқиқотга розилиги билан амалга оширилди. Тадқиқотда барча кичик гуруҳларга 18 ёшдан кичик, ҳомиладор ва ундан 6 ҳафта кейинги, шунингдек, онкологик касалликлари бўлган беморлар киритилмади.

Ёш ва ўрта ёшдаги беморлардан асосий гуруҳда фақат 25 (23.3%) нафар киши бор эди. Беморларнинг кўп қисмини катта ёшдагилар ташкил этди. Улардан 51–60 ёшда -30 (28.0%), 60 ёшдан катта -52 (48.6%) беморлардир. Беморларнинг жинсига қараб тақсимланишидан 107 нафар беморларнинг 57 нафари (53.3%) эркак ва 50 нафари (46.7%) аёл киши эканлиги маълум бўлди (1-расмга қаранг). Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши 58.1 ± 1.3 ёш, хусусан, ОЧВТ билан 48.5 ± 2.7 ёш, ИИ билан 63.5 ± 1.7 ёш, МИ бўлган беморларнинг ўртача ёши 62.2 ± 1.6 ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги соғлом шахсларнинг ўртача ёши 52.3 ± 3.9 бўлди. Ёши ва жинсий таркибга кўра, ўрганилаётган ва назорат гуруҳлари бир-бирига яқин.



1-расм. Асосий гуруҳдаги беморларни жинсига кўра тақсимланиши

Тадқиқот протоколи қуйидагиларни ўз ичига олади: клиник текширув, инструментал, лаборатор, биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар. Қон ивиш тизимининг ҳолати қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланди: Саenet бўйича фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), Квик усули бўйича протромбин индекси, Фуэнте Ита бўйича тромботест, Рутберг бўйича плазмада фибриноген концентрацияси, Квик усули бўйича халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН), Сухарев бўйича қон ивиш вақти.

Тадқиқотнинг генетик усуллари ОЧВТ, ИИ ва МИ бўлган беморларда фолат даври бузилиши билан белгиланган генларнинг генетик ДНК- полиморфизмлари

энг муҳим тромбоген асоратлари ривожланиши билан боғлиқ аллел ва генотипларнинг тақсимланиш даражасини ўрганишдан иборат: MTHFR (A1298C, C677T), MTRR (A66G), MTR (A2756G) ва интегриннинг тромбоцитар рецепторли генлар полиморфизми ITGA2 (C807T) ва ITGB3 (T1565C). Генетик мутациялар текшируви ЎзР ССВ РИГИАМнинг молекуляр тиббёт ва хужайравий технологиялар ва тиббий генетика лабораторияси бўлимларида олиб борилди.

Тадқиқ қилинаётган генларнинг полиморфизм ассоциациялари таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) модели ёрдамида амалга оширилди. Олинган маълумотларнинг генетик текшируви ва таҳлиллари шаффофлиги, хавфни прогнозлаш сифатини ошириш мақсадида GRIPS принципларига мувофиқ амалга оширилди.

ПЗР таҳлиллари Applied Biosystems 2720 (АҚШ) и CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) ва Rotor GeneQ (QUAGEN Германия) амплификация дастурларига мувофиқ олиб борилди. Беморлардан қон олишда ЭДТА билан Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум пробиркаларидан фойдаланилди.

Олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Stat Soft Statistica 10.0 (АҚШ) стандарт дастур тўплами ёрдамида амалга оширилди. Харди-Вайнбергнинг каноник тақсимланишидан ўрганилган ДНК полиморфизмларининг генотипларини тақсимлашни баҳолаш (<http://wbiomed.curtin.edu.au/genepop>) интернетда мавжуд бўлган «Gene Pop» («Genetics of Population») генетик маълумотларни таҳлил қилиш учун компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Ўрганилаётган ва назоратдаги беморларда тромботик жараёнларнинг ривожланиш хавфини баҳолаш ҳамда аллел ва генотиплар частотасини таққослаш учун χ^2 Пирсон мезонлари ва 95% ишонч оралиғи билан имконият нисбати (OR)дан фойдаланилди. 2×2 боғлиқлик жадваллари учун агар жадвалнинг камида битта катагидаги даража 5 дан кам ёки тенг бўлса, Йетсанинг узлуксизлиги учун тузатилган χ^2 мезонлари қўлланилди.


Ассоциациялар даражаси odds ratio (OR) ва унинг 95% ишонч оралиғи (95% ИД) нинг нисбат қийматларида қуйидаги формула бўйича баҳоланди: $OR=(a \times d)/(b \times c)$, бу ерда a – беморлар намунасидаги аллел (генотип) даражаси, b – назорат намунасидаги аллел (генотип) даражаси, c – беморлар намунасидаги бошқа аллеллар (генотиплар)нинг даражаси йиғиндиси, d – бошқа аллеллар (генотиплар)нинг даражаси миқдори. OR=1 қиймати ассоциация йўқлигини кўрсатди. OR>1 қиймати юқори хавф омили, OR<1 – паст хавф омили сифатида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Турли локализацияли қон-томир тромбози бўлган беморларни молекуляр-генетик ўрганиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида асосий ва назорат гуруҳидаги беморларни, қандай патология бўлишидан қатъий назар, стационарга келган вақтидаги қон ивиш тизимини асосий кўрсаткичлари ҳолати таҳлил қилинган. Улар бир-биридан катта фарқ қилмаган ва солиштириш мумкин. Барча беморларда, улардан баъзилари ушбу касаллик ривожлангунга қадар антикоагулянтлар қабул қилиб юрганига

қарамасдан, гиперкоагуляцияга мойиллик кузатилди. Гиперкоагуляция ҳолати кўпроқ оёқлар чуқур веналари тромбози бўлган беморлар гуруҳида кузатилди. Бундан ташқари турли локализацияли қон-томирлари тромбозларида ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари тақдим этилган. Ўрганилаётган генлар полиморфизмларининг тромбофилик ҳолатларни шаклланиши ва улар билан боғлиқ бўлган тромботик асоратларни, шу жумладан оёқлар чуқур вена қон томирлари тромбози, ишемик инсульт, миокард инфаркти ривожланишига таъсирини баҳолаш натижалари келтирилган. Агар тадқиқ қилинаётган гуруҳдаги ўрганилаётган геннинг полиморфик вариантларини аниқлаш назоратдагиларга қараганда анча юқори бўлса, бу тромбоген асоратлар ривожланиш хавфини оширади. Бундай ҳолда, ассоциациянинг юқори натижаси шунини кўрсатадики, ўрганилган ДНК полиморфизми маълум бир тромботик касалликнинг ривожланиш хавфига бевосита таъсир қилади ёки ушбу патологиянинг ривожланиш ёки такрорланиш таҳдидига боғлиқ бўлган наслий хавф учун генетик белги сифатида баҳоланади.

Тадқиқот давомида МТНFR генининг иккита генетик маркери текширилди: МТНFR А1298С ва МТНFR С677Т.

Ҳар бир генетик мутацияни алоҳида-алоҳида ўрганишда бизнинг тадқиқотларимизда МТНFR генининг А1298С полиморфизмининг ушбу патологияларда қон-томир тромбози ривожланиши хавфига сезиларли таъсири кузатилмади. Ушбу маълумот жаҳон маълумотларига зид эмас. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, асосий гуруҳдаги МТНFR генида А1298С полиморфизмининг ноўя аллел ва генотипларини аниқланиш даражаси назорат гуруҳига нисбатан оз миқдорда юқори эди (2-расмга қаранг).



2-расм. Беморлар гуруҳи (n=107) ва назорат гуруҳида (n=103) МТНFR гени А1298С полиморфизми генотипларининг тақсимланиши

Бу салбий аллел С ва улар билан боғлиқ А/С, С/С генотиплари респондентларда аниқланганида уларда турли локализациялардаги қон-томир тромбози ривожланиш хавфи кузатилмаганидан далолат беради. Ушбу полиморфизмнинг ташувчанлиги тромбоген асоратларнинг ривожланиш ва такрорланиш хавфини оширмайди ва у турли локализацияларнинг қон-томир тромбозлари ривожланиш хавфининг мустақил белгиси ҳисобланмайди.

МТНFR генининг С677 ва 677Т аллеллар генотиплари аниқланиши ва тақсимланиши асосий гуруҳ беморлари ва соғлом шахсларда бир-бирдан катта фарқ қилмади (1-жадвалга қаранг).

Беморлар ва назорат гуруҳида МТНFR гени С677Т полиморфизми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик


Тадқиқ қилинаётган гуруҳлар	Алеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳига нисбатан статистик фарқлар					
		Relative risk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Асосий гуруҳ (n=107)	С	0.86	0.71 – 1.04	0.7	0.48 – 1.09	2.4	0.1
	Т	1.17	0.96 – 1.42	1.4	0.91 – 2.10		
	С/С	0.78	0.60 – 1.03	0.6	0.35 – 1.05	3.2	0.07
	С/Т	1.29	0.97 – 1.71	1.7	0.94 – 2.97	3.1	0.08
	Т/Т	1.23	0.79 – 1.94	1.5	0.58 – 3.99	0.7	0.4
ОЧВТ (n=35)	С	0.9	0.58 – 1.40	0.9	0.48 – 1.58	0.2	0.6
	Т	1.11	0.71 – 1.72	1.1	0.63 – 2.08		
	С/С	0.84	0.47 – 1.49	0.8	0.37 – 1.71	0.3	0.5
	С/Т	1.22	0.67 – 2.21	1.3	0.58 – 2.92	0.4	0.5
	Т/Т	1.07	0.37 – 3.11	1.1	0.27 – 4.52	0.02	0.9
ИИ (n=35)	С	0.72	0.47 – 1.08	0.6	0.36 – 1.12	2.5	0.1
	Т	1.4	0.93 – 2.11	1.6	0.89 – 2.81		
	С/С	0.59	0.32 – 1.08	0.5	0.23 – 1.09	3.1	0.08
	С/Т	1.71	0.92 – 3.17	2.0	0.90 – 4.65	2.9	0.09
	Т/Т	1.63	0.63 – 4.23	1.9	0.51 – 7.19	0.9	0.3
МИ (n=37)	С	0.76	0.51 – 1.14	0.7	0.39 – 1.22	1.7	0.2
	Т	1.31	0.88 – 1.95	1.4	0.82 – 2.56		
	С/С	0.66	0.38 – 1.17	0.6	0.27 – 1.23	2.1	0.1
	С/Т	1.52	0.84 – 2.74	1.8	0.79 – 3.93	2.0	0.2
	Т/Т	1.46	0.57 – 3.70	1.7	0.45 – 6.14	0.6	0.4

ОЧВТ бўлган беморларда МТНFR гени С677Т полиморфизмининг аниқланиш даражасини баҳолаш шуни курсатдики, бу салбий Т аллелини аниқлаш ва унга боғлиқ бўлган салбий С/Т ($\chi^2=0.4$; $p=0.5$; $OR=1.3$) гетерозигот генотипини ва мутант Т/Т гомозигот генотипини ($\chi^2=0.02$; $p=0.9$; $OR=1.1$) назорат гуруҳига нисбатан оз миқдорда юқори эканлигини ва ушбу мутацияларнинг ташувчанлиги ОЧВТ ривожланиш хавфини орттирмаслигини кўрсатди.

ИИ бўлган беморларда мутант Т аллел ($\chi^2=2.5$; $p=0.1$; $OR=1.6$; 95% CI:0.89–2.81) ва у билан боғлиқ салбий С/Т маркерининг ($\chi^2=2.9$; $p=0.09$; $OR=2.0$; 95% CI:0.90–4.65) ташувчанлик улуши ортишига мойиллик аниқланди. Бу мутант Т аллел ва салбий С/Т гетерозигот генотипи аниқланганда ИИ ривожланиш хавфи ортишидан далолат беради.

ИИ бўлган беморларда салбий Т/Т генотипини аниқлаш ушбу патологиянинг ривожланиш хавфини оширмайди ($\chi^2=0.9$; $p=0.3$; $OR=1.9$; 95% CI:0.51–7.19). МИ билан оғриган беморларда гетерозигот С/Т генотипининг аниқланиш даражаси ошиши кузатилди ($\chi^2=2.0$; $p=0.2$; $OR=1.8$; 95% CI:0.79–3.93). Асосий гуруҳда, бу генотип аниқланганда МИ ривожланиш хавфи назорат гуруҳига нисбатан 1.8 марта кўпайди. Юқорида айтиб ўтилган салбий аллел ва С677Т генотибли ИИ ва МИда аниқланганда тромботик асоратлар ривожланиш хавфи пайда бўлиши аниқланди.

Тадқиқотимизда ушбу патологияларда қон-томирлар тромбози ривожланиш хавфи пайдо бўлишида МТНFR генининг А66G мутациясини аҳамиятли таъсири борлиги аниқланмади (3-расмга қаранг). Ушбу полиморфизм топилганда OR статистика жиҳатидан ишончли эмас.



3-расм. Беморлар гуруҳи (n=107) ва назорат гуруҳида (n=103) MTRR гени A66G полиморфизми генотипларининг тақсимланиши

Шундай қилиб, MTRR генида A66G полиморфизм детекциясидан олинган натижалар ушбу локуснинг турли локализациялардаги қон-томир тромбозлари ривожланишига сезиларли ҳисса қўшмаслигини кўрсатади.

MTR генининг A2756G полиморфизмини ўрганишда фақатгина 2756G салбий гомозигот аллел ўрганилаётган гуруҳда сезиларли даражада кўп аниқланди ва назорат гуруҳи ($\chi^2=5.7$; $p=0.02$; $OR=1.8$; $95\%CI:1.1-2.85$) вакиллари билан таққослаганда патология ривожланиш хавфини 1.8 марта оширди. A/G ва G/G салбий генотиплари ташувчанлигини ўзи ҳам турли локализациялардаги қон-томир тромбозлари ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Беморлар ва назорат гуруҳида метионин синтаз (MTR) гени A2756G полиморфизми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Тадқиқ қилинаётган гуруҳлар	Аллеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳига нисбатан статистик фарқлар					
		Relative risk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Asosiy guruh (n=107)	A	0.77	0.64 – 0.94	0.6	0.35 – 0.91	5.7	0.02*
	G	1.29	1.06 – 1.57	1.8	1.10 – 2.85		
	A/A	0.74	0.57 – 0.96	0.5	0.30 – 0.93	4.9	0.03*
	A/G	1.31	1.00 – 1.73	1.8	0.97 – 3.21	3.5	0.06
	G/G	1.54	1.02 – 2.31	2.7	0.80 – 9.37	2.8	0.09
OCHVT (n=35)	A	0.59	0.39 – 0.9	0.5	0.26 – 0.89	5.5	0.02*
	G	1.68	1.11 – 2.56	2.1	1.12 – 3.92		
	A/A	0.52	0.30 – 0.91	0.4	0.19 – 0.89	5.2	0.02*
	A/G	1.87	1.04 – 3.37	2.3	1.03 – 5.36	4.3	0.04*
	G/G	2.24	0.86 – 5.84	3.2	0.65 – 15.54	2.2	0.14
ИИ (n=35)	A	0.69	0.44 – 1.07	0.6	0.31 – 1.13	2.6	0.1
	G	1.46	0.93 – 2.27	1.7	0.88 – 3.23		
	A/A	0.67	0.38 – 1.18	0.6	0.26 – 1.27	1.9	0.2
	A/G	1.42	0.77 – 2.60	1.6	0.69 – 3.71	1.2	0.3
	G/G	1.97	0.77 – 5.04	2.7	0.56 – 13.07	1.6	0.2
МИ (n=37)	A	0.73	0.47 – 1.13	0.6	0.33 – 1.21	1.9	0.2
	G	1.38	0.89 – 2.14	1.6	0.83 – 2.99		
	A/A	0.72	0.41 – 1.25	0.6	0.29 – 1.38	1.3	0.2
	A/G	1.31	0.72 – 2.39	1.4	0.63 – 3.34	0.79	0.4
	G/G	1.83	0.72 – 4.64	2.4	0.51 – 11.81	1.3	0.2

Патологиялар кесимидаги генетик тадқиқотлар натижалари OCHVT бўлган беморларда G мутант аллелининг сезиларли даражада 2.1 марта ($\chi^2=5.5$; $p=0.02$;

OR=2.1; 95%CI:1.12-3.92) ва унга алоқадор салбий генотиби A/G да ($\chi^2=4.3$; $p=0.04$; OR=2.4; 95%CI:1.03-5.36) 2.3 марта ошганлигини кўрсатди, бу тромбоген асоратларнинг юқори хавф омили ҳисобланади. Шу билан бирга, MTR генининг A/A полиморфизмининг қулай генотиби ОЧВТ ривожланиш хавфини камайтириши мумкин ($\chi^2=5.2$; $p=0.02$; OR=0.4; 95%CI:0.19-0.89). G/G мутант генотипини аниқланганда тромбоз хавфи кичик ($\chi^2=2.2$; $p=0.02$; OR=3.2; 95% CI:0.65–15.54) бўлди.

ИИ ва МИ бўлган беморларда салбий гетерозигот ва гомозигот генотиплари аниқланиши тромбоз ривожланиши хавфининг кичик хавф омили ҳисобланади.

Бошқа ўрганилаётган фолат даври генларининг полиморфизмлари гемостазга протромботик таъсир кўрсатади, гарчи улар ОЧВТ, ИИ ва МИ касалликларида ташувчанлик тезлигини оширишга мойил бўлса-да, аммо бу ишончли эмас.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ОЧВТ ривожланиш хавфи нафақат мавжуд генларнинг умумий сони, балки ушбу патологиянинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган алоҳида мутацияларни ҳам аниқланиши билан узвий боғлиқ, масалан, MTR генининг A2756G полиморфизмининг салбий генотиби A/G каби. Бундан ташқари, ўрганилаётган барча беморларда гетерозигот ҳолатида MTRR ва MTR генларининг биргаликдаги комбинацияси ҳам кузатилди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни курсатдики, фолат даври генларининг мутацияси аниқланган ОЧВТ, ИИ, МИ бўлган кўпчилик беморларнинг яқин қариндошларида ҳам турли тромбоэмболик касалликлар кузатилгани маълум бўлди. Бу ушбу беморларни турли тромбоген асоратлар ривожланиши, шунингдек, касалликнинг қайталаниши хавфи юқори бўлган шахслар гуруҳига киритишга имкон беради. Агар зарур профилактик чоралар ўз вақтида бажарилмаса, тромбофилияга ирсий мойиллик мавжудлиги келажақда ушбу беморларда тромбоэмболик касалликларнинг қайталанишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, фолат даври генларида ўрганилган полиморфизмларнинг таҳлили алоҳида мутант генотиплар юзага келишида фолат кислотаси алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ ҳаёт учун хавfli тромбоген асоратларга мойиллигини аниқлашга имкон берди. Тромбоцитлар адгезияси омилларини кодловчи фолат даври генларида ДНК полиморфизмларининг роли ОЧВТ, ИИ ва МИ каби тромбоэмболик касалликлар хавфига нисбатан улар ҳали ҳам тўлиқ аниқланмаган бўлса-да, уларнинг тромботик асоратларни келтириб чиқариш хавфини четлаб ўтиш мумкин эмас.

ITGA2 (C807T) тромбоцитлар ретцепторлари (интегрин) генининг полиморфизмини ўрганиш асосий ва назорат гуруҳи ўртасида 807C ва 807T полиморфик вариантларининг аниқланиш даражасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатди (3-жадвалга қаранг).

